

## Фиқх дарслари (162-дарс) Фатво



19:00 / 02.12.2021 5197

«Рукуъ» луғатда «эгилиш» деган маънони билдиради.

Шариатда эса бош ва бел билан қўли тиззасига етгунча энгашишга «рукуъ» дейилади. Рукуънинг энг ози икки кафтнинг тиззаларга етишидир. Мукамал рукуъ эса тиззаларни чангаллаб ушлаган ҳолда бел ва бўйинни тўғрилаб, теп-текис бўлишини таъминлашдан иборатдир.

**Пешона ва бурун ила сажда қилиш. Фатво шунга берилган.**

«Сажда» сўзи луғатда «бўйсунуш», «ҳокисорлик», «ўзини паст олиш» ва «майл» деган маъноларни билдиради.

Шариатда намозхоннинг очик пешона ва бурнини ерга қўйиши саждадир.

Рукуъ ва сажданинг намозда фарзлигига далиллар:

Аллоҳ таоло Ҳаж сурасида:

رَبِّهِمْ أُولُوعَفَاوْ مُكَبَّرْ أُوْدُبْعَاوْ أُوْدُجْسَاوْ أُوْعَكْرَا أُوْنَمَآ نِيْدَلَا أُوَيَا أَي  
نُوْحَلْفَتْ مُكَلْعَل

«Эй иймон келтирганлар! Рукуъ қилинглар, сажда қилинглар», деган (77-оят).

Намозни нотўғри ўқиган кишига таълим берар эканлар, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга намознинг фарзларини лўнда қилиб шундай тушунтирганлар:

«عَكْرَا مُثْ، نَارُقُولَا نَمَكَعَم رَسَيَاتِ امْ أَرْقَا مُثْ، رَبَّكَ فَالْصَّلَاةَ لِيَلِ تَمُقْ إِذَا  
نِيْمَطَاتِ يَّتَحْ دُجْسَا مُثْ، أَمِّيَاقْ لَدَعَاتِ يَّتَحْ عَفْرَا مُثْ، أَعَكَارْ نِيْمَطَاتِ يَّتَحْ  
«أُولُكَ لِكَلِ الصِّيْفِ كَلَدْ لَغْفَاوْ، أَسَلْجَا نِيْمَطَاتِ يَّتَحْ عَفْرَا مُثْ، أَيْجَاسْ  
سَمْعُ لَلْ أَوْر.»

«Намозга турганингда такбир айт, сўнг Қуръондан билганларингни ўқи. Кейин рукуъ қил ва рукуъдаги ҳолингда (бироз) тин ол. Кейин (бошингни) кўтар ва қаддингни ростлаб, тиклан. Кейин сажда қил ва саждадаги ҳолингда ҳам (бироз) тин ол. Кейин бошингни кўтар ва ўтирган ҳолингда (бироз) тин ол. Намозингнинг ҳаммасида ҳам шундай қил».

Бешовлари ривоят қилишган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва саҳобалар ҳар бир намозда доимо рукуъ ва сажда қилганлар, бу амалларни бирор марта ҳам тарк қилмаганлар.

Уламолар сажданинг етти аъзо билан амалга ошишига иттифоқ қилганлар.

مَلَسُو هَيْلَع هَلَلَا يَلِصَّ يَبْنَلَا نَعْ، أَمُهْنَع هَلَلَا يَصْرَسَابَع نَبَانَع  
- وَفَنَّا يَلَع وَدَيَب رَاشَاوْ - هَهَبَجَلَا؛ مُطْعَاة بَس يَلَع دُجْسَا نَأُ تَرْمَا؛ لَاق  
«رُعْشَلَاوْ بَأَيِّ ثَلَا تَفَكْن أَلَاوْ، نِيْمَدَقُولَا فَاَرْطَاوْ، نِيْتَبْ كُرَلَاوْ، نِيْدَيَلَاوْ  
سَمْعُ لَلْ أَوْر.»

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Етти аъзо билан: пешона, - қўллари билан бурунларига ҳам ишора қилдилар - икки қўл, икки тизза ва икки оёқнинг учи билан сажда қилишга ҳамда кийимлар ва сочи йиғиштирмасликка буюрилдим», дедилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

Сажда қилинувчи аъзоларнинг бир қисмини ерга қўйиш билан сажданинг фарзи адо этилган бўлади. Шунингдек, оёқларнинг ҳеч бўлмаганда бир бармоғи ерга тегиши ҳам шарт.

Рукуъни бир марта, саждани икки марта қилиш тааббудий, яъни ҳикматини банд тушунмаса ҳам ибодат учун амалга ошираверадиган амаллардандир.

***«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди***